

Хамкорлик

ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕРЛАР ТОПШИРИЛДИ

МАЪЛУМКИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ СЕУЛ ТАЪЛИМ ДЕПАРТАМЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ КҮП ЙИЛЛАРДАН БУЁН ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ДАВОМ ЭТИБ КЕЛМОҚДА.

Кунги кеча Корей Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузурдаги Корей таълим марказида Корей Республикаси Сеул таълим департаменти томонидан шахримиз умумтаълим мактабларига 300 донга замонавий компьютерларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Корей Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузурдаги Корей таълим маркази директори Ким Чонг Сок ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Даврон Миртожиев сўзга чиқиб, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари бундан буён ҳам давом этишини, ёшларнинг компьютер техникасини мукаммал эгаллашлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини, шунингдек, компьютер орқали ёшлар кўпгина янгиликлардан бохабар бўлишлари мумкинлигини таъкидладилар. Тақдим этилган компьютерлар шахримиздаги 30 та умумтаълим мактаблари раҳбарларига топширилди. Келишувга мувофиқ Сеул таълим департаменти томонидан янги йилда яна 300 донга компьютерлар юборилиши режалаштирилган.

Айтиш жоизки, икки мамлакат ўртасида 1995 йилдан буён ҳамкорлик шартномаси асосида олиб борилаётган иш-

лар таҳсинга сазовор бўлмоқда. Мазкур ҳамкорлик шартномаси асосида Корей Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузурдаги Корей таълим маркази ҳар йили умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида корей тили бўйича кўрик-танлов ўтказиб келмоқда ва бунинг натижасида 1998 йилдан ҳозирги кунгача Тошкент шаҳри умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларидан 28 нафари Корей таълим муассасаларида 3 йиллик муддатга таълим олиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Улардан 11 нафари ҳозирги кунда Корей Республикасида таълим олмоқдалар. Ҳозирги кунда Корей Республикасида таълим олишлари ва яшашлари Сеул таълим департаменти маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Шунингдек, икки нафар тошкентлик ўқувчи Корейдаги коллежларни муваффақиятли тугатиб, сўнг келишувга асосан Корей олий ўқув юртиларида таълим олдилар. Ҳар йили танлов асосида Корейга юборилаётган ўқувчилар сони 3 тадан 5 тага кўпайди. Шунинг ҳам айтиш кераки, ҳар йили шахримиз умумтаълим мактаблари ўқитувчилари тажриба алмашиш мақсадида Сеул шаҳрида бўлишди. Шунингдек, шахар умумтаълим мактабларига компьютер техникасини берадир ёрдам сифатида тақдим этишга келишиб олинган. Келишувларга мувофиқ 2006 йилда 18 нафар илгор тажрибали ўқитувчилар Сеул шаҳрига бориб келган бўлсалар, бу йил ноябрь ойида яна 18 нафар ўқитувчи Корейга таж-



риб алмашиш учун борадилар. Ўқитувчиларни танлашда уларнинг фидойилиги, изланувчанлиги, эришяётган ютуқлари назарда тутилди.

Шунинг таъкидлаш кераки, Сеул шаҳри таълим департаменти томонидан юборилаётган ўқув режа, дастур ва ўқув услубий фўлланмалар, илгор иш тажрибалар ўқитувчиларнинг иш фаолиятида фойдаланиш мақсадида шахар халқ таълими педагог ҳодимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти курслари ҳамда турли семинарлар орқали ўқитувчиларга етказилмоқда.

Дилором ИКРОМОВА

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ: ЯНГИ ҚОИДАЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ФУҚАРОЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ЎЗ САМАСАРАСИНИ БЕРМОҚДА. ХУСУСАН, КЕЙИНГИ БИР ЙИЛ ДАВОМИДА ҲАЙДОВЧИЛАРНИНГ ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ БОШҚАРИШ ПАЙТИДА ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАКИҚЛАНГАНИ, КОНСТРУКЦИЯСИДА ХАВФСИЗЛИК КАМАРЛАРИ НАЗАРДА ТУТИЛГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАРАКАТ ЧОГИДА ҲАЙДОВЧИЛАР ВА ЙЎЛОВЧИЛАР ТОМОНИДАН ХАВФСИЗЛИК КАМАРЛАРИДАН МАЖБУРИЙ ФОЙДАЛАНИШ ЖОРИЙ ЭТИЛГАНИ АМАЛДА ЎЗ САМАСАРАСИНИ БЕРМОҚДА.

Мазкур меъёрлар кунча кирганидан буён йўл-транспорт ҳодисалари сони камайгани яққол сезилди. - деди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бўлими бошлиғи Анвархўжа Сулаймонхўжаев. — Ўз навбатида оғир оқибатларга олиб келувчи жароҳат олиш ҳолатлари ҳам кескин камайди. Бунда соҳага оид қонунчилик тақомиллаштирилгани, аниқроғи қоидабузарлик учун жавобгарлик кучайтирилгани муҳим аҳамият касб этаётди.

Қонунчиликка мувофиқ, транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий ҳолатларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкани муҳофаза қилиш мақсадида қабул қилинди. Унга мувофиқ, 2008 йил 1 январдан бошлаб ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситаси са-

лонининг олди қисмига ўрнатилган теле ва видеомонитордан транспорт воситасини бошқариш пайтида фойдаланиш ҳақиқатини аниқлаш, шунингдек транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўзбошимчалик билан шундай воситаларни ўрнатиш тақиқланади.

Мазкур янги меъёр ҳам ҳайдовчининг ҳаракатланиш пайтида чалғимаслигини таъминлашга хизмат қилади. Дарҳақиқат, транспортда теле ёки видеомониторлар орқали фильм ёхуд бошқа кўнгилочар томоша намойиш қилинса, бу ҳайдовчининг диққатини ўзига тортиши табиий ҳол. Диққатнинг бўлиниши эътиборсизликни, бу эса ўз навбатида қоидабузарликни келтириб чиқариши шубҳасиз.

Ҳозирги кунда давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳодимлари соҳага оид бундай янгиликларни, аввало, ҳайдовчилар, қолаверса аҳолига етказиш борасида изчил тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

«ИНТЕРНЕТ ПЛАЗА» — ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНА БИР САМАРАСИ

Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида барча жабжаларда, жумладан, алоқа ва ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Корей делегацияси раҳбари Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида алоқа ва ахборотлаштириш тизимига замонавий технологияларни кенг жорий қилиш, шахарлар ва туманлар марказларидаги алоқа тармоқларини замонавийлаштириш, аҳоли, корхона ва ташкилотларга юқори сифатли телефон алоқаси ва маълумот узатиш хизматлари кўрсатиш борасида амалга ошириладиган ислохотларга юксак баҳо берди.

Учрашувда алоқа ва ахборотлаштириш, жумладан, замонавий телекоммуникация воситалари ва мураккаб ахборот тизимларини кенг жорий этиш, юқори технологияли маҳсулотлар яратиш ҳамда соҳада юксак салоҳиятга эга кадрлар тайёрлаш борасида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Шу кунги Тошкент ахборот технологиялари университетида «Интернет Плаза» Ўзбекистон-Корей ахборот технологиялари марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур марказ энг замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган синфхона, интернет ва конференция залларини ўз ичига олади. Бу ерда юқори тезликдаги интернетдан университет талабалари билан бир қаторда бошқалар ҳам илмий мақсадларда фойдаланиши мумкин.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида телекоммуникация инфратузилимсини ривожлантириш, алоқа тармоқларини рақамлаштириш ва уларнинг ўтказувчанлигини ошириш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни компьютерлаштириш, малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Масалан, 2002 йили мамлакатимизда интернетдан 136 минг киши фойдаланган бўлса, жорий йил бошида бу кўрсаткич салкам 2 миллионга етди. «UZ» домен зонасидаги веб-саҳифалар сони ўн қарра кўпайиб, 4,5 мингдан ортди. Телефон тармоқлари рақамлаштирилди, уяли алоқа хизмати кенгайиб бормоқда. Компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини жорий қилишни қўллаб-қувватлаш мақсадида боғжона ва солиқ имтиёзлари жорий этилди.

«Интернет Плаза» марказининг очилиши мамлакатларимиз ўртасидаги яқин ҳамкорликнинг амалий натижаларидан биридир, - деди Ю Ёнг Хван. - Ҳар қил келганимизда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси жадал ривожланиб бораётганига ишонч ҳосил қилган. Ҳар бир мамлакатнинг, технологик ёрдам кўрсатиш, тажриба алмашиш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги янгиликлар хусусида фикр алмашиш икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш ва мустақамлашга хизмат қилади.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

Кураш

ОЛИМПИАДА САРИ ДАДИҚ ҚАДАМЛАР

МИЛЛАТИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТИ БЎЛГАН КУРАШИМИЗ МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ ВА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ БЕВОСИТА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШЛАРИ ТУФАЙЛИ ХАЛҚАРО СПОРТ ТУРИ СИФАТИДА ТАН ОЛИНГАНЛИГИГА ЭНДИГИНА ТЎҚҚИЗ ЙИЛ ТЎЛГАНИГА ҚАРАМАЙ, ДУНЁНИНГ БЕШ ҚИТЪАСИДА БИРДАЙ РИВОЖЛАНМОҚДА. ШУ ЙИЛЛАР ИЧИДА ҚЎЛЛАБ ҚИТЪАВИЙ ЧЕМПИОНЛАР, ХАЛҚАРО ТУРНИРЛАР БИЛАН БИР ҚАТОРДА БЕШ БОР ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

барчинойлар ҳам чиқади-лар. Чемпионат доирасида кеча КХАнинг навбатдаги Ижроия қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Бугун куннинг биринчи ярмида КХА минтақавий конфедерациялари ўз йиғилишларини ўтказадилар. Куннинг иккинчи ярмида эса КХА нинг навбатдаги Конгресси бўлиб ўтади. Унда бир қатор давлатлар кураш оиласига расман қабул қилинадилар. Яна шунинг алоҳида таъкидлаш керак-

ки, 1-3 ноябрь кунлари Макао давлатида бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларини мамлакатимиз тарихига зарҳал харфлар билан битиллаж яна бир оламшумул воқеа дейиш мумкин. 20 дан зиёд давлат иштирок этадиган ушбу ўйинлар ҳам курашимизнинг олимп сари йўлининг янада жадаллашшида муҳим омил бўлса ажаб эмас...

Шунингдек, анжуманда Кураш Халқаро Ассоциацияси бош котиби Умид Ёқубов, КХА матбуот котиби Зулхумор Рўзиева ҳам журналистларни қизиқтирган барча саволларга етарлича жавоб бердилар.

Дарҳақиқат, КХАнинг асосий мақсади ўзбекистон миллий қадрияти ва бугун жаҳон спортга айланган курашнинг ёзиқ Олимпиада спорт турлари сариға қиритишдан иборатдир. Ишончлиги миллий ифтихоримиз бўлган курашнинг Олимпиада ўйинларида кўриш насиб этади.

Гулхўра ДУРДИЕВА

(Давоми.Боши 1-бетда).

Хитойнинг Хуанчжоу шаҳрида ташкил этилган «Сиху кўлини чизамиз» бадиий форуми, Қирғизистоннинг Чўлпон ота шаҳрида ўтказилган Иссиқкўл кинофестивали жорий йилнинг маданий тадбирларидандир. Хуанчжоу форумида ШХТ мамлакатларидан олтинчида зиёд мўйқалам устаси иштирок этди. Иссиқкўл кинофестивалида намойиш этилган фильмлар сони ҳам шунга яқин бўлди.

Ҳамкорликда ўтказилаётган маданий тадбирлар сони йилдан-йилга кўпайиб, бойиб бормоқда. Бундан давлат раҳбарларнинг гуманитар ҳамкорлик масалаларига эътибори муҳим аҳамият касб этаётди. Бугун ШХТнинг нуфузи ортиб, у фалсифий ва иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига айлиниб бораётган экан, шунга монанд даражада маданий алоқаларни қарор топтириш унга аъзо мамлакатлар халқларини бир-бирига янада яқинлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиздир. 2007 йил август ойида бўлиб ўтган Бишкек саммити кун тартибига ягона маданий макон барпо этиш масаласи ҳам киритилгани бежиз эмас. Бу театр, музика ва санъ-

«ШАНХАЙ РҲҲИ» ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

ат фестивалларини ўтказиш, тажриба алмашиш, малака оширишда ҳамкорлик каби тадбирларни назарда тутди. Охириги саммитда маданият вазири иштирок этгани ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолангани бу йўналишдаги алоқалар ривожланиш йўлидан бораётганидан далолатдир.

2006 йил июнь ойида имзоланган таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ушбу муҳим йўналишдаги алоқаларни ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Таълим соҳасида ШХТ давлатлари икки томонлама ҳамкорликнинг бой тажрибасига эга эканлиги кўп томонлама алоқаларни кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Масалан, Тошкентда «Росзарубеж-центр» халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг ваколатхонаси, Г.Пеханов номидаги Россия иқтисодий академияси, М.Ломоносов номидаги Москва Давлат

университети ҳамда И.Губкин номидаги Россия Давлат нефть ва газ университетининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Пекиндаги Миллатлар марказий университетида ўзбек тили кафедраси, Ўзбекистон пойтахтида эса хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций номидаги институт очилгани ҳам яхши мисол бўла олади.

Университетлар қаторида академик доиралар, спорт ва жамоат ташкилотлари, ёшлар тузилмалари ҳам кўплаб ҳамкорлик лойиҳаларини тақлиф этмоқдалар. Хусусан, Ўзбекистон ва Хитойнинг миллий олимпиада қўмиталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланган. Ёш авлод ўртасида дўстлик ришталарини мустақамлашга эътибор берилмоқда. Давлат раҳбарлари ёшлар ташкилотларининг ШХТ доирасидаги мулоқотларини қўллаб-қувватлаш борасида келишиб олганлар. Ўзбекистон, Хитой ва Қозғистонда «Бо-

ларлар эртақларни акс эттиради» кўргазмалари бўлиб ўтди ва бу жараён давом этмоқда. 2008 йилда Хитойда Олимпиада ўйинлари ўтказилишини, Сочи шаҳри эса 2014 йилги қишқи Олимпиада мезбонли деб эълон қилинганлини таъкидлаш жоиз. ШХТ давлатлари бу тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишда яқиндан ҳамкорлик қилдилар.

Гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда ШХТ Форуми ҳам муҳим ўрин тутди. Унинг 2006 йил май ойида Москвада бўлиб ўтган таъсис мажлисида Регламент ва Иш режаси қабул қилинган. Регламентга мувофиқ ШХТ Форуми вазибалари сирасига илмий-тадқиқот институтлари ва сиебсатшунослик марказлари ўртасида алоқа ўрнатиш, тажриба ва ахборот алмашиш, қўшма тадқиқотлар ўтказиш ва таҳлилий материаллар тайёрлаш, кўп томонлама ҳамкорлик дастурларини экспертиза қилиш, аъзо давлатларни қизиқтирган дол-

зарб масалалар бўйича халқаро симпозиум, семинар, илмий-амалий конференциялар ташкил қилиш каби тадбирлар қиради.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигиндан маълум қилишларича, Форум таркибига ҳар бир аъзо давлатдан биттадан нуфузли илмий муассасага ўрин берилган. Бу муассасалар ўз давлатининг Форумдаги Миллий тадқиқот маркази мақомида фаолият юритади. Мамлакатимиз томонидан бу вазифани Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бажармоқда.

Анвар БОБОВЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

23 декабрь –
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти сайлови
куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

(Охири. Боши ўтган сонларда)

34-модда. Оқруғ бўйича сайлов наижаларини аниқлаш

Оқруғ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг баённомалари асосида оқруғ бўйича сайловчиларнинг умумий сонини; сайлов бюллетенлари ҳамда ваёрдалари олган сайловчиларнинг сонини; овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини; ҳар бир номзодни ёқаб берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган коллекторлар ва ваёрақалар сонини аниқлайди.

Оқруғ бўйича сайлов натижалари сайлов комиссияси мажлисида аниқланади ва баённомада акс этирилади. Бённома комиссия раиси, комиссия раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланадиганда белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссияси юборилади.

35-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларини аниқлаш

Марказий сайлов комиссияси оқруғ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда тузилган участка сайлов комиссияларидан олинган бённомалар асосида республика бўйича сайловчиларнинг умумий сонини; сайлов бюллетенлари ҳамда ваёрақалар олган сайловчиларнинг сонини; овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини; ҳар бир номзодни ёқаб берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашган номзод иштирок этган тақдирда, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг нисбий кўпчилиги овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашган ортиқ номзод иштирок этган тақдирда, агар номзодларнинг ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини ололмаган бўлса, сайловчиларнинг овозини энг кўп олган икки номзод иштирокда тақоррий овоз бериш ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида турли сабаблар (номзоднинг ўлими, номзоднинг соғлиғи олати сайловда иштирок этишни истисно этадиган даражада монлашганили ёки Қонунда белгиланган бошқа сабабларга қўра унинг номзоди олинганлиги ва шунга ўхшаш сабаблар) натижасида биттагина номзод иштирок этган тақдирда, бу номзод, агар у овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Сайлов, агар унда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг 33 (ўттиз уч) фоизидан ками иштироётган бўлса, ўтмаган деб топилади.

36-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларини яел-гиллаш тўғрисида

Сайлов вақтида ёхуд овозларни санаб чиқиш чоғида йўл қўйилган ҳамда овоз бериш яқунларига таъсир этган зидабузарликлар сабабли сайлов умуман ёки айрим оқруғлар ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан овоз бериш яқунлари ёлон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда қарор усидан шикоят қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга тегишлидир.

Айрим оқруғлар ёки участкаларда сайлов ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ана шу оқруғлар, участкалар бична овоз бериш натижалари, башарти бу натижаларни ҳам сайлов умуман бўлиб ўтган деб топилиши мумкин ўлса, Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноасайловнинг умумий натижаларидан чиқариб ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқулари тўғрисидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечтирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

37-модда. Тақоррий овоз бериш

Тақоррий овоз бериш кунини Марказий сайлов комиссияси сайлов ўтказилган кундан эътиборан бир ой илда, лекин сайлов ўтказилган кундан камида ўн беш кункейин ўтказиладиган қилиб тайинлайди. Тақоррий овоз беришни ўтказиш ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

Тақоррий овоз беришда унда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ лган номзод сайланган деб ҳисобланади.

38-модда. Тақоррий сайлов

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, шунингдек агар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида биттеномзод иштирок этган бўлса ва у зарур миқдорда овоз тлай олмаган бўлса, Марказий сайлов комиссияси тақоррий сайлов тайинлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига тақоррий сайлов ушбу Қонунда асосий сайловни тақоррий учун белгиланган тартибда ҳамда ундаги шартларга риоя этилган ҳолда ўтказилади. Бунда Марказий сёлов комиссияси сайлов янги таркибдаги оқруғ ва участкаларидан комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Тақоррий сайлов асосий сайлов ўтказилганидан ййин кйрқ кун ичида ўтказилади.

39-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари расмий тарзда эълон қилинган кундан эътиборан кечи билан икки ой ичида лий Мажлиси ййгилишида қасамёд қилган пайтдан бошлб ўз лавозимига киришади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ў ваколатларини янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришгунга қадар бажаради.



«Давоми.Боши 3-бетда»

эрт.к. 9.25 «Аждодлар хазиnasi». 9.30, 19.30 «Айро тақдирлар». Т/с. 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».

11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 23.55 Вести. 11.30, 13.40, 17.20, 19.40 Местное время.

15.15 «Охаррабо». 16.00 «2007 йил - Ижтимоий ҳумоя йили».

21.00, 3.00 Время. 21.25 Концерт Софии Ротару. 00.10 Триллер «Роковая женщина».

10.20 «Рангинкамон». «Дидар». 11.00 «Онлар мактаби».

6.40 X/ф «Гонка с преследовани-ем». 8.20 «Играй, гармонь любимая!».

9.45, 20.50 «Минг бир ривоят». 9.50 «Ватан хақида кўшиқлар».

01.00 «Тунингиз осуда бўлсин!» «Первый канал».

Тошкент

7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35, 18.50 «Камила». Т/с. 9.05, 18.05, 21.50 «Телекурьер - маркет».

«НТВ»

6.00 «Сегодня утром». 9.05 «Наше все!».

«СТС»

8.00 Комедия «Лиззи Магуайер». 8.45 «Как обезьянки обедали».

Тошкент

7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35, 18.50 «Камила». Т/с. 9.05, 18.05, 21.50 «Телекурьер - маркет».

«НТВ»

6.00 «Сегодня утром». 9.05 «Наше все!».

Тошкент

7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35 «Камила». Т/с. 9.05, 12.40, 20.20 «Телекурьер - маркет».

«НТВ»

7.00 «Кайнаро». Кинокомедия. 8.10 «Кун тартиби».

«СТС»

8.00 «Динотопия». 9.30 «Челбурашка». М/ф. 9.35 «История Литтл».

Спорт

7.00 «Бодрое утро». 8.00 «Хабарлар» (рус. тилида) 8.20 Мультфильм.

«ТВ-3»

8.00 Победный голос. 8.30, 10.30 Мультфильмы.

Спорт

7.00 «Бодрое утро». 8.00 «Хабарлар» (рус. тилида) 8.20 Мультфильм.

«ТВ-3»

8.00 Победный голос. 8.30, 10.30 Мультфильмы.

Спорт

7.30 «Хабарлар» (узб. тилида) 7.50 «Жасур болалар».

«ТВ-3»

8.00, 10.30 Мультфильмы. 9.30 М/с «Черепашки-ниндзя».

Спорт

7.30 «Хабарлар» (узб. тилида) 7.50 «Кувнок стартлар».

«ТВ-3»

8.00 Российские мультфильмы. 8.30 Жинн, полная радости.

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.55 Новости.

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.55 Новости.

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.55 Новости.

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.55 Новости.

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.55 Новости.

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.55 Новости.

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.55 Новости.

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.55 Новости.

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.55 Новости.

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.55 Новости.

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.55 Новости.

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.55 Новости.

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.55 Новости.

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.55 Новости.

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.55 Новости.

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.55 Новости.

ТИЖОРАТ ХАВАРПАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ 2007 ЙИЛ 1 НОЯБРДАН 11 НОЯБРГАЧА БОЛАЖОНЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Томошлар шанба ва якшанба кунлари соат 12.00 ва 15.00 да бошланади. «ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Нашрни етказиб бериш масалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.